

Термиз оқшом

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, БАДИИЙ ГАЗЕТА

2001 йил 1 февралдан чиқа бошлаган

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши ва шаҳар ҳокимлигининг нашри

2019 йил 16 сентябр
№ 17 (556)

Ҳеч ким
зулматни
босиб
ўтмай туриб,
тонгга
ета олмайди.

Мукофот муборак!

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, сўнгги йилларда юртимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқларга қўшган муносиб ҳиссаси, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдаги кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнати учун бир гуруҳ сурхондарёликлар юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Бундай шарафли мақомга сазовор бўлганлар сафида Термиз шаҳар ҳокими ИСРОИЛ ХУДОЙБЕРДИЕВ ҳам “СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” медали билан мукофотланди.

Муносиблар
тақдирланди!



Тўртинчи
ҳокимият:

фаолият

Санжар
РИЗАЕВ

sanjarrizayev.blogi.uz

ТАНГАНИНГ ИККИ ТОМОНИ

**БИРИНЧИСИ, ЯЪНИ ЖУРНАЛИСТ, ЎЗИ
ИСТАГАН ЯНГИЛИКЛАРНИ СУҒУРИБ ОЛИШНИ
ИСТАСА, ИККИНЧИ ТОМОН, ЯЪНИ МАТБУОТ
ХИЗМАТИ, УЙДАГИ ГАПНИНГ КЎЧАГА ЧИКИБ
КЕТМАСЛИГИ УЧУН ИШЛАЙДИ. ФАРҚИ КАТТА,
ЛЕКИН БИР-БИРИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ.**

Матбуот хизматининг вазифаси нималардан иборат эканлигини оддий футбол муҳлиси билмайди. Бунга эса баъзи обрўларвар журналистлар суистеъмол қилишади. Балки, ўзлари билмаган ҳолатдадир, билолмадим. Ўзи қилиши керак бўлган ишни бошқалардан талаб қилиши ва шу каби бошқа ишбилмасликлардан журналистика жабр кўряптики, “журналист бўлиш учун диплом шарт эмас” деган нотўғри тенденция шаклланиб бўлди, аллақачон.

ЎРМОНЛАР ЯНА КЎПАЙИШНИ
БОШЛАГАН ВАҚТДАГИ
ЖУРНАЛИСТИКА

Электрон ОАВ ривожланиб кетди. Ахборот олиш ва тарқатишнинг энг тез, осон ва (бугунги кунда муҳим бўлган) арзон йўли ҳам шу. Одамлар газета ўқимай қўйди. Аслида эрталаб оstonага иргитиб кетилган ёки кўча эшиги ручкасига иилиб кетилган кундалик газеталардан яхшиси йўқ, лекин бугунги кунда кундалик газета чиқариш учун фақат яхши ишлашнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун камида ёмон ишлаётган электрон нашрлар рақобатини енгиб ўтиш керак. Фотоальбомларнинг бир асрига на яшагани, китобнинг қоғоздан планшетага кўчаётгани каби газеталар ҳам қоғозлардан воз кечаяпти. Дунёнинг энг машҳур нашрларидан бири “Newsweek” ҳам 79 йил ўтиб, электронлаштирилди. Планшетлар замонида ҳеч ким журнални сотиб олмай қўйди. Электрон обунга талаб ошди.

Келажакни ўзимча тасаввур қилиб ўтириб ўйлаб қоламан. Технология инсониятнинг ҳаётини осонлаштириш учун шундай мафтункорлик билан ўсиб бораёптики, ўлгинг келмайди инсоннинг. Ахборотга эҳтиёжи бор фуқарога бугун смартфон ёки планшетнинг ўзи ҳам етарли. Социал медиа пайдо бўлди. Бугунги кунда катта куч. Бизда ҳам социал медиага осон ўрганишди. Газета ўқиш тугул, ҳатто телевизор кўрмайдиганлар кўпайиб бораёпти.

ШОИРЛИК —
ЖУРНАЛИСТИКА ЭМАС

Бизда, аввалдан, кўпчилик гапга чечан, сўз устаси бўлганларни ва асарият ҳолларда шоиртабиатларни журналистикага ўқиви бор деб ҳисоблайди. Умуман, журналистикага адабиётнинг



бир қисми сифатида қаралишига ва унга шундай муносабатда бўлинишига қаршман. Жуда тақослашни яхши кўрадиганларга журналист сўз устаси бўлишдан кўра кўпроқ терговчи ёки изкувар (детектив) типидagi одам дейиш мумкин бўлса керак. Менимча, журналист изкувар ёки ўша тақосланаётган терговчидан ҳам кучли бўлиши керак. Унда жамоатчиликка ўлгудек қизиқ, ҳатто ўзи яхши билмайдиган тугунни ечиш қобилияти бўлмаса матндан нарига ўтолмайди. Диплом учун ўқилган китобларнинг кучи мана шу ерда билинади.

МАТБУОТ ХИЗМАТИ
ВА ЖУРНАЛИСТИКА

Ургулайман, матбуот хизмати ахборот агентлиги эмас. Матбуот хизмати, айрим ҳолларда эса, жамоатчилик билан алоқалар хизмати ташкилот ёки компания номидан гапиради. У омма истаган хабарни эмас, омма эшитиши керак бўлган хабарнигина беради. Ўзи хизмат қилаётган ташкилот ҳақидаги ахборот вакуумига йўл қўймайди. Демак, истеъмолчи янгиликни матбуот хизма-

тидан эмас, янгиликлар журналистикасидан қидириши керак.

Хўп, янгилик ва ахборотни турли кўринишда оммага тақдим этиш журналист зиммасида экан, матбуот хизмати (шунингдек, жамоатчилик билан алоқалар, яъни пиар хизмати) нима қилади деган савол туғилади. Матбуот хизмати одамларнинг муайян бир ташкилот ҳақидаги фикрига ижобий таъсир ўтказиш ва уни пиар қилиш, шунингдек, ташкилот имиджини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Матбуот хизмати одамлар учун ишламайди, аксинча, журналистларни одамлар учун ишлатади. Пресс-релиз, матн, аудио ёки видео материаллар бериб, журналистларга ташкилот ҳақида мақола ёзиш ёки хабар беришга ундайди. ОАВ вакиллари билан алоқани телефон, смс хизматлари, мулоқот тарлоқлари, шу билан бирга иш жойларига бориб ёки уларни тақлиф қилган ҳолда матбуот анжумани ўтказиши. Ташкилот ва журналистлар ўртасидаги алоқани ошқоралик асосида ривожлантиради.

Матбуот хизмати, шунингдек, расмий сайтда пресс-релиз ёки унинг шак-

лидаги хабар ва янгилик чоп этиш, уларни факс ёки электрон почта манзилига жўнатиш, бугунги кунда самарали ҳисобланган фэйсбук, твиттер каби мулоқот тармоқларида жойлаштиради. За-рур вақтда мансабдор шахсларнинг иқтибослари орқали ташкилотнинг имиджини яхшилайдди. Ҳаммага бирдек ёқиш имконсиз, албатта, шунга қарамай, асоссиз равишда ривожланган ёки қасддан тарқатилган ёлгон ахборотлардан ташкилот обрўсини ҳимоя қилиш ҳам матбуот хизматининг вазифаси.

Матбуот хизмати ташкилот имиджини бузадиган инқирозли даврни бошқара билиши керак. Бу қандайдир норасмий хабар ёки айблов чиқса, ҳаммасига жавоб ёки раддия ёзиш дегани эмас. Ўрнида ишлатилган сукунат ҳам жавоб ўрнини ўтайди.

Матбуот хизмати —, муайян бир ходим ёки хизматчи эмас, бутун бошли ташкилотнинг обрўсини учун жавобгар. Бунинг учун ташкилотнинг ижобий имиджи ҳақида ёзиш билан шуғулланадиган матбуот хизмати билан бирга ишлайдиган журналистлар ёрдамга келади.

КИМДАН НИМА ТАЛАБ
ҚИЛИШНИ БИЛИНГ

Ўқувчилар, одатда, қандайдир ахборотнинг йўқлиги учун матбуот хизматини айблашади.

Баъзан твиттерда ҳам менга: нега фалончини танқид қилмайсизлар, деган оддий мижозлар бўлади. Бу мурожаат — матбуот хизмати эмас, журналистларга, деб жавоб бераман. Зеро, матбуот хизмати — ташкилотга, журналист эса халққа хизмат қилади.

Модомики, сиз истаган ахборот чиқмаётган экан, бу матбуот хизматининг яхши ишлаётганидан бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, янгилик йўқми, демак, журналистлар яхши ишлашмаяпти.

СОДИҚ АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
Сурхондарё
вилояти Кўриқлаш
бошқармаси
матбуот гуруҳи
катта инспектори

**БУГУНГИ КУНДА
МАМЛАКАТИМИЗДА
КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ
БОРАСИДА КЕНГ
КЎЛАМЛИ ИШЛАР
АМАЛГА ОШИРИЛ-
МОҚДА. ЗЕРО,
КОРРУПЦИЯ ДАВ-
ЛАТ ВА ЖАМИЯТ-
НИНГ РИВОЖ-
ЛАНИШИГА ЖИД-
ДИЙ ПУТЎР ЕТКА-
ЗАДИГАН САЛБИЙ
ИЛЛАТЛАРДАН
БИРИ САНАЛАДИ.**

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти Кўриқлаш бошқармаси ходимлари ҳамда Миллий гвардия ҳарбий

**КОРРУПЦИЯ —
ЖАМИЯТ**




РИВОЖИГА ТЎСИҚ!

хизматчилари иштирокида ўтказилган навбатдаги учрашувда ҳам айнан коррупция ва унинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш чоралари ҳамда унга қарши курашиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бўйича Суриштирув бўлими бошлиғи ўз маърузаси орқали иштирокчиларга бугунги кунга келиб республика-мизда коррупцияга қарши ку-

рашиш ва унинг олдини олишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси ва аниқ тизими шаклланиши таъкидлади. Шунингдек, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтириб ўтди.

ЛЕОНАРДО ВА “СЎНГГИ ОҚШОМ ЕМАГИ”



**ЛЕОНАРДО ДА ВИНЧИ “СЎНГГИ ОҚШОМ ЕМАГИ”
НОМАИ СУРАТНИ ЧИЗИШНИ БОШЛАГАНИДА
ОФИР МУШКУЛОТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ КЕЛДИ.
ЭЪТЎЛИКНИ ИСОНИНГ, ЁВЎЗЛИКНИ ЭСА УНИНГ
ОРҚАДОШИ ВА СЎНГГИ ОҚШОМ ЕМАГИДА
УНГА ХИЁНАТ ҚИЛГАН ЯҲУДАНИНГ КЎРИНИ-
ШИГА ЖО ЭТИШГА ТИРИШАР ЭДИ.**

Пауло
КОЭЛЛО



Суратни чала қолдириб, бу иккисига ўхшаш кишиларни излашга тушди. Кунларнинг бирарида рассом хор томошасини кузатаркан, хордагилардан бирининг Исо сийратига менгашини фарқ этди ва ундан ишлаяжак расмига туриб беришини сўради...

Рассом ҳисобсиз эскиз ва машқлар чизди. Орадан уч йил ўтиб, “Сўнги оқшом емаги” ярилмади. Фақат Леонардо да Винчи ҳануз Яҳудга менгзаган туркли кимсани топа олмасди. Етмаганига черков кардинали суратни тезроқ битиришини сўраб шошилтира бошлади. Кўп ахтаргач, да Винчи эрта қариган ёш бир дайдини

худбинлиқни суратга жо этарди. Ниҳоят, Леонардо да Винчи ишини битирганда кийинчиликдан қутилган дайди кўзларини олазарак очди ва мўъжизавий суратни кўрди. Шошқин ва ҳазин сас-ла шундай деди:

—Мен бу расмини аввалдан кўрган эдим.
—Қачон?—сўради Леонардо да Винчи ишон-қирамай.

—Уч йил аввал,—деди дайди.
—Ишимни йўқотмасдан бурунроқ, У пайтлар бир хорда қўшиқ қўлардим. Кўп умидларим бор эди. Бир рассом менга Исонинг суратини чи-зишда туриб беришимни сўрагани... Эҳ...

УСТОЗЛАРИ МУНОСИБ УЛУҒЛАНАЁТГАН ЮРТ

А. САИДМАЛИКОВ

**УСТОЗ — ДЕГАНДА КЎЗ ЎНГИМИЗДА
КАМТАР, ХОКИСОР ВА МЕҲРИ-
БОН ИНСОНЛАР ГАВДАЛАНАДИ. БУ
СЎЗ МАШАҚҚАТЛИ, ЛЕКИН ШАРАФ-
ЛИ КАСБ ЭГАЛАРИГА БЎЛГАН
ХЎРМАТИМИЗНИ ОШИРАДИ.**

Юртбошимиз раҳбарлигида жорий йилнинг 23 августдаги видеоселекторнинг янги ўқув йилининг бошланishi арафасида ўтказилиши, унинг ўқитувчиларининг обрўсини оширишга қаратилганлиги, ойлик маошларининг икки баробаргача кўтарилганлиги, энг муҳими, мажбурий меҳнатдан озод этилиши, иш фаолиятига тааллуқли бўлмаган ишларга жалб қилинмаслиги бўйича қўйилган талаблар барча-мизга ушбу тизимга мутлақо янгилач ёндошишимиз зарур эканлигини белгилаб берди. Шу муносабат билан Тер-

миз шаҳридаги Санъат саройида ўқитувчилар учун “**Бутун кучни халқ ичидан олайлик. Кучоқ очиб мактабларга борайлик**” шиори остида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбир доирасида китоб ярмаркаси, 5 ташаббус бўйича кўргазмали чиқишлар ва арзонлаштирилган маҳсулотлар ёйма савдоси ташкил этилди.

Тадбир аввалида Термиз шаҳар ҳокими Исроил Худойбердиев сўзга чиқиб, устоз ва мураббийларни янги ўқув йилининг бошланганлиги билан

табриклади. Шундан сўнг хонандалар ва театр ва ҳаваскорлик жамоалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар тадбир иштирокчиларига бир олам қувонч бахш этиб, кўтаринки кайфият улашди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жорий йилда шаҳар ҳокимлиги томонидан “Обод маҳалла” дастури доирасида 4 та мактаб замонавий кўринишда таъмирланиб, ушбу хайрли юмушларга 10 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланган ва шу ҳисобдан мактаб спорт заллари замон талабларига мос ҳолга келтирилган.

Шунингдек, тадбирда шаҳар ҳокими И.Худойбердиев томонидан умумтаълим мактабларининг ижарада яшаётган ёхуд муқим турар жойга эга бўлмаган ўқитувчилардан 100 нафарига қуриляётган кўпқаватли турар-жой(имтиёзли кредит асосида)дан уй ажратилиш тўғрисидаги қарори тадбир иштирокчиларини бирдек мамнун этди.

Давоми.
Бошланиши
ўтган сонда

XVIII—XIX асрларга келиб, Россия империяси таркибида Болтиқбўйи, Украинанинг ўнг денгиз соҳили, Белоруссия, Польшанинг бир қисми, Бессарабия, Шимолий Кавказ, Финляндия, Кавказорти, Узок Шарқ, Сибирь, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Помир каби ўлкалар бўлиб, уларнинг умумий майдони 22,4 миллион квадрат километрга баробар эди. Ленин таъбири билан айтганда, “халқлар турмаси” бўлмиш чор Россияси худудидagi 81 губерния, 20 вилоят, 931 шаҳарда яшашган 100 дан ортиқ ғайрирус халқлар ва элатлар мамлакат аҳолисининг 57 фоизини ташкил қиларди.

1738 йил августда рус тарихчиси В. Н. Тахтишчев поручик Миллер бошчилигидаги карвон таркибида Тошкент шаҳри томон йўлга чиқади. Унга Бухоронинг бир қанча шаҳарларидаги ҳамда Тошкентдаги сиёсий ахвол тўғрисида ва яна бошқа хил маълумотлар тўплаш топширилганди. Бу карвоннинг ҳам омади чопмади, уни Ўрта жуз қозоқлари тормор қўладилар.

Екатерина иккинчи ҳукумати XVIII асрнинг 70-йиллари охирида Ўрта Осиё билан руслар учун ҳар томонлама фойдали бўлган савдо-сотик масалаларига катта эътибор бера бошлайди ва XIX асрнинг биринчи чорагидаёқ ўзбек бозорларида руслар мустахкам даврга эга бўлиб оладилар. Чунончи, Бухоро амири Шохмурод Эрназар оталиқни Петербургга элчи қилиб жўнатади. Бунинг шарофига Екатерина Эрназар элчи мадрасаси қурилишига 134 минг сўм ажратлади.

Овруподаги тараңлашаётган халқаро вазият, 1805—1307 йиллардаги Наполеонга қарши кураш, 1806—1812 йиллардаги рус-турк уруши, 1808—1809 йиллардаги рус-швед уруши, 1805—1813 йиллардаги рус-француз уруши, 1812 йилги Ватан уруши чор ҳукуматининг Ўрта Осиёга нисбатан босқинчилик сиёсатини олиб боришига узок вақтгача йўл бермай туради. Николай иккинчи ҳукумати Ўрта Осиё бозорларини Россияга бутунлай қарам қилиш мақсадида Туркистонни босиб олишни тезлаштириш устида бош қотира бошлайди. Чунки Россия Ҳиндистонни эгаллаган инглизлар тезда Афғонистон ва Туркистонни ҳам забт этишлари мумкинлигидан хавфсизлар эди. Ўрта Осиёни босиб олиш иштиёқмандлари ичиди босар-тусарини билмайдиган Оренбург ҳарбий губернатори генерал-майор В. А. Перовский ҳам бўлиб, 1840 йил ноябрь ойи охирида 2 та замбарак, 40 та арава, ҳамда 5 минг пиё-

ЮРТ БЎЙНИДАГИ ҚИЛИЧ



да аскар билан 10 минг туядан иборат карвонга бош бўлиб Ўрта Осиё томон юради. Оғир об-ҳаво шароити, ёнилғи, озик-овқат танқислиги, кийим-кечаклар яроқсизлиги оқибатида қўшинининг маълум бир қисмини йўқотгандан сўнг Перовский Хивага юришини тўхтатишга мажбур бўлади.

Истилочилар 1841 йилда Хоников етакчилигида Бухорога отланишди. Бу юриш натижасида Бутенев икки хонлиқни қурол кучи билан босиб олиш имкониятлари, йўллари, мақсадга эришишга қаратилган ҳаракат режалари каби маълумотларни жамлаб нома ёзади. 1847 йилга келиб мустамлакачилар Сирдарё етакларини босиб олиш режасини тузишди ва у ерда истеҳкомни барпо этишди. 1853 йилда генерал Барамберг отряди Окмачит (ҳозирги Қизил Ўрда)ни ҳужум билан забт этади. Айни пайтда гарбий Сибирдан Семипалатинскга қадар бўлган ораликда ҳам шимоли-шарқ тарафдан юришлар бошланиб кетганди.

1850—1854 йиллар ичиди подшо қўшинлари Илиорти (Заили) ўлкасини эгаллайдилар, 1854 йилда эса Верний (ҳозирги Алматы) истеҳкоми қад кўтаради. Шундан сўнг Николай ҳукумати Қрим урушига (1853—1856) чалғиғанлиги туфайли Ўрта Осиёга босқинчилик қисқа муддат тўхтаб қолади. Бу уруш тугагач, Кавказ жанглари Николайнинг қўлини боғлаб қўйиб, у ўзбек хонлиқларига қарши

ошқор босқинчилик сиёсатини юрират қарвонга бош бўлиб Ўрта Осиё томон юради. Оғир об-ҳаво шароити, ёнилғи, озик-овқат танқислиги, кийим-кечаклар яроқсизлиги оқибатида қўшинининг маълум бир қисмини йўқотгандан сўнг Перовский Хивага юришини тўхтатишга мажбур бўлади.

Шундан кейин чор Россиясини Ўрта Осиёга нисбатан жадал мустамлакачилик сиёсатини юргизишга ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий ахволи мажбур қилади. Унинг ривожланаётган енгил саноати учун пахта, пилла, қоракўл тери ва бошқа хил хом ашёлар зарур эди. Бунинг устига Фуқаролар уруши (1861—1862 йиллар) оқибатида Америкадан олинадиган пахта миқдорининг камайиб кетганлиги ҳам ўзбек пахтасига бўлган талабни ошириб юборади.

Енгил саноатдаги бўҳронлар, уни арзон хом ашё билан таъминлаш зарурияти подшо ҳукуматини безовта қила бошлайди. Оренбург генерал-губернатори Катенин Ташқи ишлар вазирига ёзган хатдада “Ўрта Осиё мўлукига ҳукмронлигимизни ўрнатишимиз учун, албатта Туркистон ва Тошкентни эгаллашимиз шарт”, деб қўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, Тошкентни қўлга киритиш Бухоро мулкига қурулли қўнлар билан бориш учун ҳам зарур эди. 1862 йилда “Русский вестник” журналида Ўрта Осиёни босиб олишни қатъий ёқловчи қатор шовинистик мақолалар босилди. “Голос” номили либерал журнал эса Ҳиндистонни забт этган инглизлардан ўрнат олиб, “Каспийни рус денгизига айлантириш, Ўрта Осиёнинг

қўчманчи элатларини ўтроқ яшашга ўргатиш, бу саҳройилар билан пачақилишиб ўтирмай, уларни ҳаттоки террор қилиш”га қақирди. Ҳарбий юришларнинг доимий тарафдори бўлган ҳарбий вазир Д. А. Милютин 1864 йил октябрида Ташқи ишлар вазирлиги томонидан подшоҳ учун тайёрланган маъруза матнини қўллаб-қувватлайди. Бу матнда, жумладан, Россиянинг Шарққа сирли, лекин тийиксиз интилиши ҳақида, ярим ёввойилар қарбисли билан тўқнашилган дамда ўта тинчликсевар сиёсатни сақлаб қолиш имкони йўқлиги хусусида, Қўқон хонлигининг табиий бойлиқлари бўлмиш пахта, иппак, қимматбаҳо маъданлар тўғрисида сўз юритилади. Шундай қилиб, 60-йиллар бошида Ўрта Осиёни босиб олишга ғоявий тайёргарлик қўриб бўлинади, энди бу истилони амалга ошириш навбати келганди.

Империя хорижий ўлкалар, Туркия билан бўлган урушда бандлигига қарамай, 1810—1860 йилларда Сибирь ва Оренбург ҳарбий сафарбар қўнларини ишга солиб, Қозоғистон ва Ўрта Осиё ерлари томон ҳарбий юриш бошлаганди. Бундай босқинчиликларда катта тахриба ортирган Россиянинг юзлаб босқинчи генераллари ва зобитларнинг тинч Туркистонга юриши дахшати тўз олади. (Бу қўнлар тафсилоти китобчамизга илова қилинаётган маълумотномада тўлиқ баён этилган. **М. Ҳ.**) Шу мақсадда ташланган катта қуч Марказий Осиё халқларини сўзсиз

таслим қилишга ёки бу ўлкаларнинг қўлини қўққа совириб бўлса ҳам тўлиқ забт этишга, сўнгра Шарқдаги истилочиликни янада давом эттиришга қаратилган эди. 1909 йилда Тошкент шаҳрида Туркистон ҳарбий округи типолитографияси томонидан жуда оз нусхада, фақат ҳарбий зобитлар учун нашр этирилган бу тўплам “Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ҳақида тарихий тадрижий маълумотнома. Георгий Хочи соҳиблари ва “жасорати учун” олтин қурол билан тақдирланганлар рўйхати иловаси билан” деб аталади. Туркистоннинг хоризм томонидан босиб олинишига доир бу энг ишончли манбада ўша жараёнинг қандай давом этганлиги тўғрисида тўлиқ маълумот берилган. Китобчада босқинчилик илломаси ҳарбий маҳкама маълумотлари асосида иштирокчилар, уларнинг қурол-яроғлари сони, амалга оширган ҳарбий хунрезликлари билан бирга йилма-йил, ойма-ой, кунма-кун аниқ ва холис қўрсатилган.

Бундан ташқари ўша китобча нашр қилинган йилга қадар ҳисоблаганда қарийб бир асрча давом этган мазкур босқинчилик, талончилик урушида маҳаллий халқни яқсон қилишда “қаҳрамонлик” қўрсатган 200 га яқин рус генераллари, зобитлари қачон, қаерда ва қандай “жасоратлари” учун Россия империясининг олий мукофотлари билан тақдирланганликлари аниқ, лўнда ва сермазо жумлаларда ёфдалаб берилган. Улар орасида биз яқин-яқинларгача шаҳар ва қишлоқларимизга, қўнларимизга номлари тақилган, тарих китобларида ҳа, деб Ўрта Осиёни Россияга “ихтиёрий қўшиб олиш”да фидойилик қўрсатган халқ қаҳрамонлари сифатида таърифлаб келинган Фон Кауфман, Черняев, Скобелев, Куропаткин, Троцкий сингари генералларни ҳам, бизга камроқ маълум бўлган юзлаб генерал ва зобитларни ҳам кўраимиз.

Бу ўринда шуни ҳам алоҳида айтиш ўтиш керакки, бундай олий мукофотларга фақат ҳарбийлар эмас, балки қўнларга қўтариб мақтаб келинган ижодкорлар: рассом, истеъфодаги мичман Василий Васильевич Верещагин (бир қўлида қурол, бир қўлида мўйқалам билан ўз ватандошларини амалга оширган қонхўрликларни ҳаёлан бошқа халқларнинг миллий қаҳрамонларига, жумладан, Соҳибқирон Амир Темурга нисбат бериб расмлар чизган бу жангчи-рас-

сом 1904 йилда Петропавловск зирқили кемасида фожиали ҳалок бўлган) ва таниқли рус ёзувчиси ва рассоми, ўқчи батальон штаб капитани Карасин сазовор бўлган. Энг қизиги шаҳрида Туркистон ҳарбий округи пешволари: руҳоний ота Андрей Малоз, руҳоний ота Гаврил Ширяев, руҳоний ота Седачёвлар ҳам чор ҳукуматининг Ўрта Осиёни забт этишида қатнашган. Қўлидаги бут-хочни ўпиб, рус зобитлари, аскарларини маҳаллий халқ эрқу озодлигини поймол қилиш учун қонли урушга ундаган руҳонийлар “ҳалол” хизматлари эвазига Георгий нишони тасмаларига тақиладиган хоч-нишон (наперсные) билан тақдирланадилар.

Ҳатто Россияни ва унинг яқин атрофидаги қўллаб мамлакатларини истило қилиб, неча асрлар эзиб келган Чингизхон ҳам урушга динни аралаштирмаган эди. Чингизийлар босиб олган ўлкалари халқларининг эътиқоди, урф-одатларига ҳалал етказмагандилар. Рус подшоиси эса Ўрта Осиёни босиб олишда ҳар қандай сиёсатдан устун туриши лозим бўлган динни ҳам ишга солди, христіан дини арбобларини юксак мукофотлар, ёрлиқлар билан илҳомлантириб, ёвуз мақсадларига хизмат қилдирди.

Инқилобдан илгари яшаб, фаолият қўрсатган рус тарихчилари, шунингдек чор Россиясининг ҳарбий илломнамачилари ва маҳаллий халқдан чиққан Фозилбек, Баёний, Аҳмад Донш, Салимий, Муҳаммад Солиҳ сингари воқеанавис тарихчиларимиз асарларида, ўша давр архив ҳужжатлари, даврий матбуот саҳифаларида чор империяси Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкаларини беадад қўнлар тўкиб босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантирганлиги, саҳий Туркистон мулки босқинчилар томонидан аёвсиз талон-торож қилинганлиги аниқ мисоллар асосида қўрсатиб берилган.


Шу манбалардан аёнки, Россия империяси яна ўша инглизлар яқин орада Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларини босиб олиш хавфи бор, деган нуқтага назардан келиб чиқиб, ҳарбий ҳаракатларини шиддат билан олиб борадилар. Истилочилар бунинг учун маблағларини ҳам, қурол-аслаҳаларини ҳам аямайдилар. Чор Россияси ҳукумати бутун Кавказ ва Сибирда, Волга бўйларида босқинчилик урушлари билан банд бўлишига қарамай, Туркистонни ҳам

қўлдан чиқармаслик учун бу ерда истилочилик фаолиятини тўхтатмади. Туркистондаги шу воқеалар қатнашчиси, рус ҳарбий тарихчиси генерал М. А. Терентьев “Ўрта Осиёни босиб олиш тарихи” номили 3 жилдлик китобида ёзишча, Россия империяси Ўрта Осиё ерларини босиб олишда ҳеч нарсани аямаган. Мамлакатдаги иқтисодий тангликка қарамай, камбағал халқ ризқидан қийиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга ҳарбий юриш қилишга 1839 йилда 1 миллион 800 минг сўм маблағ ажратилди. Биргина Хива хонлигини забт этиш учун Туркистон ҳарбий округига 287300 сўм, Оренбург ҳарбий округига 200 000 сўм маблағ ажратилган. Ҳарбий босқинчилик уруши олиб бориш учун шахсан Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман ихтиёрига 400000 сўм пул берилган. Хива хонлигигагина бошқа хонлиқларга қарши ҳарбий юришда қатнашган қўп минглаб аскар, зобитларнинг озик-овқатлари, кийим-кечаклари учун ҳамда ҳарбий юришлар домида маҳаллий халқдан тортиб олинган от, ўқисиз, эшак, ҳаҳир ва туяларга ем-ҳашак сотиб олишга 465414 сўм 64 тиин маблағ ажратилган. Шунингдек, урушда зарур бўлган қўтос, ҳаҳир, эшак, от, туялар, аравалар сотиб олиш ҳамда йўл ҳаражатлари учун 513551 сўм 40 тиин пул маблағи ажратилганлигини кўраимиз. Артиллерия, тўп-замбарак заҳира қисмлари, кийим-кечаклари учун техник усқуналар, шунингдек, тиббий дори-дармонлар ҳамда лабораториялар учун 94285 сўм пул маблағи, қўприқларни тузатишга, арава (бричка)ларнинг гилдирак заҳираларини ва бошқа зарур ашёларни сотиб олишга 1475558 сўм 68 тиин пул мўлжалланган. (Қаранг: М. А. Терентьев “История завоевания Средней Азии” СПб. 1806. 153.-283-бетлар). Шунга ўхшаб ишончли далиллари рус босқинчи генераллари, зобитлари, ҳарбий мутахассисларининг қўндаликлари ва эсдаликларидан ҳам қўллаб келтириш мумкин.

Шу ўринда китобхонларимизни бир нарсадан огоҳ қилишни хоҳлардик. Назаримизда, рус босқинчиларининг Туркистондаги ваҳийлиқлари тўғрисидаги қўнгина манбалар: ноёб китоблар, рисоалар, эсдаликлар, қўндаликлар йўқлиб кетяётганга ўхшайди. Тарихнинг янгилик сабоқлари унутилиб, бугунги ва келажак авлодлар ўтмиш ҳаётларини тақоролмасликлари учун бу манбаларнинг сақланишини алоҳида назоратга олиш, имкон борича уларни қайта нашр қилиш зарур.

Давоми
келгуси сонда

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Шунинг учун ҳам, бу аҳоли рўйхатларида асосан эркаклар ўрни юқори бўлган, солиқ тўлашда фақат эркаклар, яъни оила бошлиқлари қатнашган. Аҳолини энг биринчи расмий рўйхатга олиш 1790 йилда

АҚШда, кейинчалик 1800 йилда Шветсия ва Финляндияда, 1801 йилда-Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган. Аммо, бу аҳоли рўйхатлари жуда оддий шаклда ҳамда узок муддатга чўзилган. Масалан, биринчи АҚШда аҳолини рўйхатга олиш ишлари 18 ой давомидида олиб борилган.

XIX асрга келиб, аҳолини рўйхатга олиш жуда кенгайди. Қатор Европа мамлакатларида статистика ташкилотлари тузилди. Аҳолини рўйхатга олиш илмий дастурлар асосида олиб борилиши йўлга қўйилди. Хусусан, 1870-1879 йилларда дунёнинг 48 та, 1890 йилларда эса 57 та давлатида аҳоли рўйхати ўтказилган. XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизи рўйхатга олинган бўлса, XX аср бошида 54 фоиз аҳоли рўйхатдан ўтказилган.

Республикамизда демографик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда мамлакат худудиди ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон худудиди дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган бўлиб, ушбу рўйхат маълумотлари XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тассаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Ўзбекистон худудиди аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Ўзбекистонда “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида” қонун қабул қилинмаган. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини

рўйхатга олишни ўтказиш консепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5655-сон Фармонида алоҳида банд сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Республикамизда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш бизга нима беради? **Биринчидан**, маълум бир санада аҳолининг аниқ сони (ёши ва жинси таркиби), фуқаролиги, миллий таркиби (кенг қамровли), барча аҳоли пунктлари бўйича сони, оилавий аҳоли, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, аҳоли бандлиги (касби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги бўйича батафсил маълумот олинади.

Иккинчидан, аҳоли жон бошига макроиқтисодий қўрсаткичларни ҳисоблаш (яъни ички маҳсулот, аҳоли даромадлари, саноат маҳсулоти ҳажми, истеъмол маҳсулотлари ҳажми, аҳолига қўрсатиладиган хизматлар ҳажми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари)да ишлатилади.

Учинчидан, аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

Тўртинчидан, республика ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш,

аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам қўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқаришда ахборот сифатида фойдаланилади. **Беинчидан**, статистика идоралари томонидан ташкил этиладиган танлама кузатувларни ташкил этишда маълумотлар базаси сифатида қўлланилади.

Олтинчидан, миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш қўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритишга хизмат қилади.

Еттинчидан, аҳоли пунктларининг инфратузилмасини яхшилашда, меҳнат ресурсларида фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узок муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Саккинчидан, халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар томонидан амалга ошириладиган таҳлиллар учун кенг қамровли ахборотлар манбаи ҳисобланади.

Бундай маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг прогноз қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини бажариши, фан ва жамиятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.



Зобо ЖўРАКУЛОВА

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ижодкорларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятида ҳам ёшларда китобга нисбатан қизиқиш уйғотиш, интилувчан ёшларни муносиб рағбатлантириш бораси-

ДУНЁНИНГ БАРЧА СИРЛАРИ КИТОБДА ЯШИРИН

да эътироф этишга лойиқ талай ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада раҳбарларнинг, воҳамизда турли соҳаларда фаолият қўрсатаётган таниқли кишиларнинг ибратомуз сайёи ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, шу каби маънавий-маърифий тадбирлар давлатимиз томонидан адабиётни ривожлантиришга қаратилётган эътибор ва эришилаётган натижаларни кенг жамоатчиликка етказиш, халқимиз, жумладан, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, ижодкорлар ва китобхонлар ўртасидаги мулоқотни яхшилаш, китобга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплашда ўз самараларини бермоқда.

ТОШГА ЎЙИЛГАН НАҚШ

Санобар КҮЧИМОВА, Термиз тумани, 20-мактаб ўқитувчиси

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВЧИЛАРГА ЧУҚУР БИЛИМ БЕРИШ, ЧИРОЙЛИ ХУСНИХАТГА ЎРГАТИШ БАРОВАРИДА ВАТАННИ СЕВИШ, ДЎСТИК ҚАНДАЙ БЎЛАДИ? СЎЗЛАШИШ ОДОБИ, МҲОМАЛА МАДАНИЯТИ, ОТА-ОНАГА ҲУРМАТ, КИЧИКЛАРГА ИЗЗАТ, МЕХНАТНИ СЕВИШ КАБИ ФИКРЛАРНИ УЛАР ОНГИГА СИНГДИРИБ БОРИШИМИЗ КЕРАК.

Тўғарак машғулотларида ёки даре жараёнида: ўқиган китобларингдан нарсани ўргандинг, кутубхонада неча китоб бор, қандай китоб сотиб олдинг, сенга ким энг зўр китоб совға қилди? каби саволларга жавоб олиш ҳам ўқувчиларни китобни севишга ва китоб ўқишга ундашимиз лозим! Ёшларнинг билим олиши учун яратилаётган имкониятлар, улар ҳаётнинг олтинга тенг дақиқаларидан қандай фойдаланишяпти? ана шулардан биз-ўқитувчилар огоҳ бўлишимиз керак. Керакли вақтда панд-насихат бериб, тўғри йўлга бошлаш вазифамиздир. Ўқувчиларимиз ҳаётда бирор қасб эгаси бўлиб, Ватан учун хизмат қилишса, биз ўз олдимиздаги бурчимизни бажарган бўламиз.